



ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ЁЗУВЧИ ВА ДРАМАТУРГ



С. УЛУГЗОДА,

Урушдан қайтган, Улуғзода тинч курилиш даврида самараларни ишларини бошлаб юборди. Гарчи ёзувчи икки йил ички ишлардан бошланган бўлса ҳам унинг чинакам фаолияти урушдан кейин кенг қанот ёзди. Унинг «Химматли дўстлар» (1946—1947 йй.), «Навобод» («Янгиобод» — 1948-49 йй.), «Ешлигимиз тоғи» (1954—1956 йй.), «Восе» (1967) каби йирик полотнолари тожик совет прозасининг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ёзувчининг «Навобод» романи социалистик қишлоқ ҳўжалигининг йириклаштирилиши, қўрқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига ҳўжалик экономининг юксалтириш мавзусига бағишланди. «Ешлигимиз тоғи» номли автобиографик повестининг яратилиши ҳам ёзувчи ижодкорлик маҳоратини ўсатганидан далолат беради.

Уч тилда — тожик, ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлашган ва мустақил ижод қилишдан аҳлилоқийлик бахтига муяссар бўлган ижодкорлардан бири атоқли тожик ёзувчиси ва драматурги Сотим Улуғзодадир.

Улуғзода ўзининг қатор повест ва романлари, пьесалари, киносценарийлари, илмий асарлари ва публицистик мақолалари билан тожик совет адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган ва қўшаётган сўз санъаткорларидан бири ҳисобланади.

Унинг «Навобод», «Химматли дўстлар», «Ешлигимиз тоғи», «Восе» каби романлари ва повестлари, «Шодмон», «Қизилтаёқчилар», «Ўт ичида», «Рудкий», «Изловчилар» каби саҳна асарлари, «Ибн Сино», «Шоирнинг қисмати», «Ваккила» сингари қатор киносценари

рийлари, «Мард бола», «Жонбозлик», «Биби», «У Ленин шаҳрини мудофаа қилади», «Бир ва юз бир» каби қатор ҳикоя ва очерклари ҳамда мақолалари китобхоналаримизнинг сеvimли асарларига айланган. Ёзувчи ва публицист Сотим Улуғзода таржимачилик соҳасида ҳам самарали ижод қилган адиолардан ҳисобланади.

С. Улуғзода 1911 йилда Наманган вилояти Чуст районининг Боранқ қишлоғида қаҳбатан дехқон оиласида дунёга келди. Ота-онадан жуда эрта ажралган Сотим болалик йилларини ўқубат ва машаққатда ўтказди. Бу ҳақда ёзувчи ўзининг рус, ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилинган «Ешлигимиз тоғи» номли автобиографик повестида батафсил ҳикоя қилиб беради.

Улуғ Октябрь куёши бўлажак ижодкорнинг бахт йўлини равшан кўрсатиб берди. Ёзувчи Совет ҳокимияти даврида интернатда тарбия топди ва ўқиди. Ёшлигидан адабиёт ва санъатга меҳри қайноқ бўлган қобилиятли ва тиришқоқ Сотим рус, тожик, ўзбек адабиёти классиклари асарларини зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганди.

У 1929 йили Тошкентдаги ўқитувчилар институтини битирди, шу институтда тожик тили ва адабиётини ўқиб бера бошлади. Кейинчалик эса Улуғзода Сталинободга келиб, «Комсомолец Таджикистана» газетаси ва «Шарқ сурх» жўрналида адабий ходим сифатида ишлади. Доймо иланиш ва юксалиш орузида бўлган Улуғзода М. Горький номли жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасига ўқинишга кириб, Аммо, уруш ўқинишга имкон бермади.

Улуғзода Улуғ Батаи урушининг дастлабки кунларидан бошлабқ шояди Қизил Армия сафида ҳарбий мухбир бўлиб ишлайди. Ўзбек ва рус тилларида қандайдиган фронт газеталари саҳифаларида фашизмнинг фаш отувчи ҳикоялар, очерклар, шеърлар, фельетон ва публицистик мақолаларини оёлон қилади. Унинг тожик, ўзбек ва рус тилларида ёзган «У Ленин шаҳрини мудофаа қилади», «Бир ва юз бир», «Зафар яқин қолди», «Ленинга» каби ҳикоялари, очерк ва публицистик мақолалари жағлчиларимизга оптимистик руҳ бағишланади.

бир Совет мактабиди таълим олади ва комсомол сафига кирилади.

Сотим Улуғзода адабиётнинг турли жанрларида ўз кучини синая кўрди. У қийин жанр — киносценарий соҳасида ҳам самарали ишлаб, «Ибн Сино», «Шоир тақдир» номли асарларини яратди. Адибнинг Рудкий ва Абу Али ибн Сино ҳақида яратган бу киносценарийлари кинотомошабиларга маъзур бўлди.

1960 йилнинг февралда Бирлашган Араб Республикасининг пойтахти Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари фестивалида «Шоир тақдир» фильми биринчи даражали олтин медаль билан мукофотланди.

1956 йилнинг Октябр ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон эиёллари съездида Тожикистондан вакил бўлиб келган Ёзувчи С. Улуғзода съезд минбаридан қўвона-қўвона қўлидаги қалб сўзларини баён қилган эди: «Тошкентга кўп келганман. Бу гал съездга қатнашим билан бирга, Тошкент бадий фильм студиясида ҳам бўлганман. Бу ерда менинг сценариям асосида «Абу Али ибн Сино» кинофильми ишланди. Шу кунларда съёмкалар тузганман. Энди фильмнинг дастлабки вариантини кўраман. Агар зарурият тузгилса, Тошкентда кино ходимлари билан бирга ишлашманман. Бизнинг дўстлигимиз иш билан, ижод билан мустаҳкамланмоқда. Чун дўстлик, ҳақиқий қон қардошлик шунча бўлади».

Сотим Улуғзода филолог олим ҳамдир. У Тожикистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тожикистон ССР Олий Советининг депутаты. У форс-тожик ва ўзбек адабиёти классиклари Рудкий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Носир Хисров, Жомий, Навоий, Саъдий, Аҳмад Дониш ҳақидаги қатор илмий асарлар, публицистик мақолаларини яратди. Атоқли ёзувчи, драматург, публицист ва олим Сотим Улуғзодининг сериыррали ижоди совет кешиларини коммунист руҳда тарбиялашда катта хизмат қилиб келмоқда.

Мажиҳ ҲАСАНОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.



М. МИРШАКАР

СЕНИНГ НИДОНГ БИЛАН



Азалдан ҳақиқат, бу ер кўрраси Қуёш бўйлаб айланарди сенин хам. Сенин хам дегиш, дарё бор эди, Чангазори, тоғу, лоззор, дашт хам... Лекин сенин хам, унинг борлиги Кўрмисиз, бенаво ва урён эди. Дағалу, дайдо сарсар эди, Эгасиз, бекасу, бўш, бежон эди. Сенин нидонг билан ишқу, уй-армон, Ешлик ғайратининг машғали бўлди. Сенин нидонг билан изланиш, амаи Ҳаёт гултожининг гавҳари бўлди. Сен ер ҳаётини ҳаётбахш этдинг, Ўзгача ҳусн бердинг, ясанди олам. Бу дунёнинг кўрки, фохр байроғи сен, Сен, эй, олам худованди, эй Одам! НАЗАРМАТ таржимаси.

Гулчехра СУЛАЙМОНОВА

ОНА ҚЎШИҒИ

Бир нафас ором ол, ухлагини қўйиб, Орау-ушларин, ёнган чирогим. Алалар айтганин гиритон бўлиб, Яхши тушлар кўриб ёт, кўзчагитим. Кеч эди, омонда қарақлар юлдуз, Сен эса ётардинг ширин уйқиди. Мусаффо юзини кўрсатиб ой хам, Жилвалар қиларди туриб тепангда. Ўлкамиз ҳуснига мафтон бўлиб ой, Табассум қиларди боқиб омондан. Бу кеча қапчалик гузал бўлса хам, Ширинроқ эдинг сен ҳамма нарсадан. Ҳали кичик сану, аммо пок меҳринг Гўё омон каби чексан, беғубор, Уйқиди салгина кулиб қўйганинг. Онага туюлар мисоди баҳор, Эртага илк туриб кетсам далага, Сен ширин уйқиди ётасан шу дам. Меҳнат майдонида бутун кун бўйи, Бағримда сезаман, сен менга ҳамдам. Пахтазор ичидан келар дам-дам, Ёшларинг куйлаган шўх ашуласи, тоғ



Истайман, улғайсанг сен хам шунда бўл, Келсин меҳнатинга эллар халаси. Сенин жозибали қўшининг тинглаб, Қилган ишларингдан қўвонсам, дейман. Халқлар орасида бўлиб бир умр, Ана фарзандим деб, фохр этсам, дейман. Тожикчадан Жума ЭРГАШ таржимаси.

А. ҚАХҲОРИЙ

УСТУНЛАР



Такрор ва такрор дерди бобо-лар: «Ҳеч ким дунёга бўлмаган устун» Қўйиб қулоққа оталар буну Такрор этишар билга куну тун. Кулга айланди аждодлар жисми, Ва лекин қолди ундан нол-нишом. Номи наслга бўлолди радиф, Ундан нақш олди ҳар низ, ҳар ўғлоп. Ўз ҳарорати, ўз кучи билан, Ишқ-муҳаббатдан яралди олам, Шейр ҳам ўзининг назокатидан, Ўжаҳонни элди мунаввар, кўркам. Халол севгини асраса ҳар ким, Дунёга устун бўлиши бешак. Халол севгини куйласа ҳар ким, Бебаб қолдирар мустаҳкам тарғак. Тожикчадан Жума ЭРГАШ таржимаси.

ТОШКЕНТ ХОТИРАСИ

Тошкент, мен ошнингман, Меҳринг дилда эида. Шарқининг гузал шаҳри, Машғалсан Осиёда. Санда камол тоганим, Бағримда ўсганим рост. Бахши бўлганим учун, Хизматларинг бекиёс... Етимлигим асимада, Ёсимда гадоллигим, Бир парча нон йўлида Ватаддан жулудимин, Қўлда таён, пиеда, «Жаҳон тоини» келганман, Сурхоб сувида оқиб, Зарафшонда сузганман Савод нима-билмасдим Чорак аср ёшимда, Оғир турмуш, йўқсуллик Ғали эди бошимда. Зулмат тахтининг йиқди Октябр инқилоби, Ўша гуфайли чикди Ғафтизмизнинг офоби. Илм, маърифат макони, Сени сўроқлаб келдим, Ўқий, деа зўр ғайрат Камарин бוגлаб келдим, Олдинг мени бағринга, Кўчор очиб онамдай, Савод бердинг, иқболим Раваоа эдинг оламдай. Сени келиб ўргандим Ленин таълимоти, Гўё қайта турлидим, Селим ҳаёт тоғини, Мама, қўлида қалам, Халқ бахтини куйлайман, Оламга машҳур Ватаи Довруғини сўйайман. Ташаккурин қабул эт, Қабул эт саломинин, Сени ҳақда сўз бошласам, Чек йўқ қаломининг, Тошкент, мен ошнингман, Меҳринг дилда эида. Шарқининг гузал шаҳри, Машғалсан Осиёда.

Ҳ. ЖАМОЛ таржимаси.

ЭКРАНДА — ТОЖИК ФИЛЬМЛАРИ

Мама, кўндан зорикиб кутган дўстлар ўзбек тупроғига, ўзбек хонадонига келишди. Дўстларимиз қадим удими-мига биноан тўйга тўёна билан келдилар. Бу ўн кунлик шодияна — ўзбекининг ҳам, тожикнинг ҳам тўйи.

Тожик кино усталари юрти-мига энг яхши фильмларини олиб келдилар. Бу киноленталар бой ижодий тажрибага, но-анг дид ва широна тилга эга бўлган санъат юлдузлари билан бир қаторда эидагина ижод дароҳига қадам қўйётган ушд-ли ёш режиссёрларнинг меҳнатини намойиш этади.

Кўпнинг олқинишга сазовор бўлган бу фильмлар ҳар бир совет кишисини ҳайжонга сол-лабган, қизиқтираётган му-ҳим масалаларга, бутуннинг таъини, эртанинг режаси ҳа-қида ҳикоя қилади.

Тожик кино усталари дека-да таънасинин «Қалб амри» фильми билан очадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Бу филь-ми Давлат мукофоти лауреати, Тожикистон халқ артисти В. Кимёгаров экранлаштирган. Фильмда у ўз истеъдодини яна бир бор намойиш эта олган. Шу билан бир қаторда — бу фильм ўзбек ва тожик санъат-корларининг ҳамкорлида олиб борган ижодий изланишлари-нинг яқини, ютуғи дейиш мум-кин. Фильмда томошабинлар таъинки кино юлдузлари, «Нас-ридин Бухорода» кино лента-сида ўз маҳоратини намойиш этган Лев Свирдлин, СССР

халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойдин Норбоева, истеъ-додли актёр Тўғон Режамотов-лар билан учрашадилар.

Район агрономи Каримовнинг тақдир томошабиларини беҳ-тир ўзига жалб этади. У оқ кўнгли, барчага бирдек муома-ла қиладиган киши, жондиди билан одамларга яхшилик қи-лишга интилади. Коллектив-лаштириш даврини бошидан ке-чирган бу одам даҳшатли уруш йилларида ҳам қолхоз ишига астойдил бел буглаб киришди. Одамларнинг оғирини ешга қи-лишга ўринади. Бироқ, унинг соғлиги оқизланиб боради, юрати тез-тез санъиб оғрий бошлайди. У дам олиши ке-рак. Врач ҳам, хотини ҳам, кизи ҳам уни дам олишга, соғлигини эҳтиёт қилишга ун-дайдилар. Бироқ Каримов бу тақдирга розилиш беролмайди. Дойм одамлар орасида бўлиш-ни, пешана тери тўкиб илаш-ларини истади. Зотан ҳаётнинг маъноси ҳам шу.

Ажойиб меҳнат қобилиятига эга бўлган Каримов ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларга тўғри йўл кўрсатишга қодир. У ширин сўзини, оталарча са-мимий, доно маслаҳатларини ҳеч кимдан аяган эмас. Мама шу олижаноб ҳусусият томоша-бинда Каримовга нибатан ҳур-мат уйғотади.

Фильм — тожик кино санъа-тининг катта ютуқларидан би-ри. Режиссёр В. Кимёгаров

ҳозирги кунининг қаҳрамо-ни — замонашнинг образини намойиш эта олган.

Тожик кино санъати тобора алғирлаб боришти. Бу муваф-фақиятининг санъатшунослар ҳам, томошабинлар оммаси ҳам таъ-кидламоқдалар. Биз бу улкан ютуқларини декада кунларида намойиш этиладиган қатор фильмларда ҳам кўришимиз мумкин. Тоҳир Собировнинг «Хиёнат», Абдулсалои Раҳимов-нинг «Қул астидаги қўғ» кино-ленталари фикримизнинг дали-ли бўла олади.

Таъинли ёзувчи Пулат То-лиснинг повести асосида яра-тилган «1943 йил ёзи» фильми айным дикқатга сазовордир. Фильм устиде режиссёр Марга-рита Қосимова ишлаган. Қўз олдимизда халқ бонига оғир кулфат тушган уруш йиллари-нинг аянчи манзараси намоеи бўлади. Фильм марказида то-жик ишчи оиласининг тақдир-и этади. Қаҳрамонлар оғир синов-лардан ўтадилар, бироқ, ҳеч қандай куч уларнинг иродасини бўка олмайд.

М. Қосимованинг бу кинолен-таси В. Кимёгаровнинг фильми билан биргаликда Фрунзе шаҳ-рида ўтказилган Қозогистон ва Ўрта Осиё республикалари фестивалида намойиш этилди. Иккала фильм ҳам фестивал-нинг фахрли дипломлари билан тақдирланди.

Шунингдек Евгений Кузин-нинг «Она қалби» ҳужжатли фильми жуда юқори баҳолади.

Олиқ рус қишлоқларидан

бирида Улуғ Батаи урушинда қаҳрамонларча ҳалоқ бўлган тожик йигити дафн этилган. Ватаи унинг — Тўғин Эриг-итовнинг мардлигини, матона-тини мунособ тақдирлаб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди.

Қабр тепасида бош эгиб турган кекса аёлнинг сержант юзини еш томилири тинимсиз ювади. Бу аёл олиқ тоғлар ўлкасидан келган қаҳрамоннинг онаси — Хайринисо Эригитова. У ў-лининг қабрига қўйиш учун тожик юртининг тупроғидан олиб келган. Ииллар ўтди, ле-кин Ватаи учун, халқ бахти учун курашганларни одамлар унутмайдилар. Бу гоя фильма сингидириб юборилган.

Декада кунларида ўзбек то-мошабинлари талантли ёш ре-жиссёр Лили Кимёгарованинг «Ўзбекистон ва Тожикистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатили-ш учун курашган ақолиб давлат арбоби Абдулла Раҳимбоев ҳа-қидаги фильми» ҳам кўради-лар.

Тожик кино санъати ўзбек кинематографияси билан чап-барчас болганган ҳолда ўсаяти. Бу ҳамкорлик йили кунларда Иттифоқимиз экранларида на-мойиш этиладиган ёзувчи Сид-қийнинг «Жўра сарқор» повес-ти асосида М. Қосимова экан-лаштираётган кинолентасида, Тоҳир Собировнинг «Револь-ция даракчилари», В. Кимёга-ровнинг Фирдавсийнинг «Шоҳ-нома» достони асосида суратга олинётган фильмида ва бошқа қатор кинофильмларда ўз ифо-дасини топган. Бу фильмлар-нинг ҳар бирида ўзбек актёр-лари, режиссёрлари, опера-тор ва рассомлари иштирок этадилар.

В. ВИЛЬЧИК.



«Тожикфильм» киностудияси ишлаб чиққан ва шу кунларда Тошкент кинотеатрларида намойиш қилинаётган фильмлардан кадрлар: «1943 йил ёзи», «Юрак амри билан» фильмларидан кадрлар.

МЕҲРИНГ

Мавжуда ҲАКИМОВА

Кечалар узун, аёз... Зулматни кесиб, майин, Янграб эди бир овоз, Қуёш каби жилмайиб, Алла айтарди онам. Тонг, очганда қўзимни, Оғушига сингардим. «Опоқ, дўмбоғим, қўзим», — Эркалашдан тинмайин, Ардоқлар эди онам. Бутун ўзим онаман. Фарзанда қамарбаста, Шўхлигидан ёнаман.

Ташвишдан мен хаста, Ёлимга тушар онам. Баъзан орғиб шўхлигини, Тирнар эди бағрининг... Бутун қайтарар ўғлим, Сени аслаб, қабригитини Тупроғини ўзим онам. Шўхликларим тополдим, Ўғлим қайтарди уни. Қўхликларим тополдим, Қўлим қайтарди уни. Меҳринг тонамим онам. Тожикчадан Э. ОХУНОВА таржимаси.



Р. Орипов.

Шу кунларда колхоз ва совхозларда куллий фарқ йишди. Р. Шредер номли богдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-тектириш институтининг боғларида ҳам куллийларини териб ва шаҳар аҳолисига жуънатш қизгин кетаят. Суратда: институтнинг ишчиларидан М. Раҳимова (чапда), А. Шокиров ва М. Фозилова ўртб-Х. Ҳайитмухамедов фотос. (ЎзТАГ).

К И Н О

Я. САЛИМОВ.

адор куй ва қўшиқлари билан
уздан бўён ҳам дилимизни
ушнуд этади.

Я. САЛИМОВ.

Қ. Розиков фотоси
ЎзТАГ.



Р. 13137. ИНДЕК

К И Н О

Комитети бирлашган нашриетининг
н ш а х р и .

Суратда: хаваскор кўшикчи Султон Нияшов.

Чехословакияда бўлади.
СССР терма командаси олимпиада-
да йўллана олиш учун жавоб
кутишда қўлга киритган устун-
ликни сақлаб қолиши керак.

дентлардан А. Тўқбоева билан
Р. Укубовалар имтиҳонга тай-
ёрланмоқдалар.

Қ. Розиков фотоси,
ЎзТАГ.

Ўзбекистон Компартияси
босми

Р. 13137. И

Узбекистон Компартияси Марк
Босмаханаси

Р. 13137. ИНДЕКС

ёқуе юртлари бўлимлари — B39
шаҳар хўжалиги бўлими — B38
B3404B, Эълонлар бўлими — B38

Комитети бирлашган нашриётнинг
нт шаҳри.

Р. 13137. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1867.